

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

КОХХАРОВ МИРЗОХИД ХУСАНБОЕВИЧ

**5А ТИПИДАГИ СИНТЕТИК ЦЕОЛИТЛАРДА ОРГАНИК ВА
НООРГАНИК БИРИКМАЛАР АДСОРБЦИЯСИННИНГ АСОСИЙ
ТЕРМОДИНАМИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Коххаров Мирзохид Хусанбоевич

5A типдаги синтетик цеолитларда органик ва ноорганик бирикмалар адсорбциясининг асосий термодинамик хусусиятлари ва механизмлари 3

Коххаров Мирзохид Хусанбоевич

Основные термодинамические характеристики и механизмы адсорбции органических и неорганических соединений на синтетических цеолитах типа 5A..... 29

Koxxarov Mirzohid

Main thermodynamic characteristics and mechanisms of adsorption of organic and inorganic compounds on synthetic zeolites of type 5A..... 57

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 61

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

КОХХАРОВ МИРЗОХИД ХУСАНБОЕВИЧ

**5А ТИПИДАГИ СИНТЕТИК ЦЕОЛИТЛАРДА ОРГАНИК ВА
НООРГАНИК БИРИКМАЛАР АДСОРБЦИЯСИНИНГ АСОСИЙ
ТЕРМОДИНАМИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/K171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган муҳандислик-технология институти ва Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nammti.uz) va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Раҳматқариева Феруза Гайратовна
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Салиханова Дилноза Саидақбаровна
техника фанлари доктори, профессор

Ҳамдамов Доврон Абдуқодирович
кимё фанлари доктори, профессор

Очилов Ғолибжон Мамаюнусович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/29.08.2023.K/T.66.02 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «10» январ соат 13⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (343-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71.

Диссертация автореферати 2024 йил «24» декабр куни тарқатилди.
(2024 йил «24» декабрдаги № 17-рақамли реестр баённомаси)



И.Т.Шамшидинов

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Д.Ш.Шерқўзиев

Илмий даражалар берувчи

илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

И.Д.Эшметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги

илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефт ва нефт маҳсулотларидан, ҳамда табиий газдан экологик тоза ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, табиий хомашё таркибидаги қўшимча зарарли бирикмалар маҳсулотлар сифатига ва технологик жараёнларга салбий таъсир кўрсатади. Евро стандартларига мос келадиган ёқилғилар олишда, табиий газларни қуритишда азотли ва олтингуруттли бирикмалардан тозалаш жуда муҳимдир. 5А русумидаги цеолитларда мазкур жараён амалга оширилади. Шунинг учун юқори адсорбцион микроғовакли адсорбентларни синтез қилиш, уларни тадқиқ этиш ва олинган натижалар асосида илмий ва амалий янгиликларга эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда бугунги кунга келиб табиий газ, нефт ва нефт маҳсулотларини қўшимчалардан тозалашда, ҳамда қуритишда ишлатиладиган, шунингдек йилдан-йилга ортиб бораётган парник газларини атмосферага чиқиб кетишини олдини олишда микро-, мезо- ва макроғовакли адсорбентлар олиш технологиясини яратишда қуйидаги, жумладан: ЛТА русумидаги цеолитларни синтез қилишда мос келувчи маҳаллий хом ашёларни танлаш; синтез қилинган адсорбентларда турли физикимёвий табиатдаги молекулаларни адсорбциясини тадқиқ қилиш орқали цеолитларнинг фаол марказлари миқдори, табиати, кучи, жойлашиши ва катионлар миграциясини ўрганиш; цеолит матрицасида адсорбат/адсорбент ион-молекуляр комплексларини шаклланишини аниқлаш; адсорбентларда сорбцион жараёнларни тўлиқ молекуляр механизмларини аниқлаш каби илмий ечимларни асослаш лозим.

Республикамизда саноатнинг турли тармоқларида, жумладан кимё саноатини жадал суръатларда ривожлантиришга бўлган талабнинг ортиши, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ривожлантиришга, ишлаб чиқариш маҳсулотлари рақобатбарлигини оширишга, маҳаллий хом ашёлардан адсорбентлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 октябрдаги ПҚ-388-сон қарорида «Маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш орқали янги турдаги кимё ва газ-кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, соҳага маҳаллий ва хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш...»¹ каби кимё ва газ-кимё саноатини ривожлантириш мақсадида вазифалар белгиланган. Шу мақсадда юқори самарали адсорбцион хусусиятга эга микроғовакли адсорбентлар олиш ва уларни нефть-газ саноатида қўллаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805 «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрельдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-388-сон «Кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантиришнинг мақсадли дастурини тасдиқлаш» тўғрисидаги қарори

инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.²

Микроғовакли адсорбентлар таркиби ва турларини кенгайтириш, уларнинг сорбцион хусусиятларини яхшилашга йўналтирилган изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Nanjing Tech University (Jiangsu, China), проф. Ассен Златаров номидаги Университет (Болгария); Institute for Mineralogy-Leibniz University Hannover (Германия), Ишимбай ихтисослаштирилган катализаторлар кимё заводи (Россия), The Institute of Chemical Technology (Испания) ва Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда микроғовакли адсорбентлар синтези ва уларни хусусиятларига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: гидротермал усулда А цеолитлари, (Central South University, China); кўшимча катта бўшлиқли (ITQ-37) цеолитлари, (The Institute of Chemical Technology, Испания); кичик ғовакли цеолитлари (Center for Surface Chemistry and Catalysis, Belgium) синтез қилинган; цеолитлар синтези, тузилиши, структураси ва классификацияси аниқланган (Prof. Dr. Assen Zlatarov University (Bourgas, Bulgaria)); синтетик цеолитларда CO₂ адсорбцияси тадқиқ қилинган (University of L'Aquila, Italy); Y типидagi цеолит синтези ва адсорбцион хусусиятлари аниқланган (Халқаро тадқиқотлар институти, Франция); А типидagi цеолитларни мавжуд ва нисбатан арзон хом-ашёлардан оддий усуллар билан юқори дисперсли шакллари олинган (Физик ва органик кимё институти, Грузия).

Дунёда асосан органик ва ноорганик молекулаларнинг адсорбция жараёнининг тўлиқ механизми ҳамда асосий термодинамик тавсифлари бўйича қуйидаги устувор йўналишларда бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан цеолитларни синтез қилиш, кимёвий таркибини такомиллаштириш, модификацияланган цеолитларни олиш ва уларни сорбцион хусусиятларини аниқлаш, А, X, Y ва LSX русумидаги цеолитлар таркибидаги катионларни алмашилиши ҳисобига турли физикимёвий табиатдаги молекулаларни танлаб ютиш хусусиятларини оширишни тадқиқ

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.nitech.admissions.cn>, <https://www.btu.bg/index.php/en/>, <https://www.min.uni.uni-hannover.de>, <https://www.ishimbaimr.ru>, <https://www.itq.upv-csic.es>, <https://www.ionx.uz>

қилиб, улар хусусиятларини ўзгартириш, органик SDA ишлатмасдан адсорбентларни олиш технологиясини яратиш, адсорбентлар таркибига органик гуруҳларни киритиш орқали металлорганик каркасли ноёб хусусиятларга эга янги материаллар синтез қилинмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида асосан цеолитларнинг структураси ва уларда катионлар жойлашиш ҳолати кўпроқ ёритилган бўлиб, аммиак, водород сульфид, карбонилсульфид, этан ва метилмеркаптан молекулаларининг адсорбция жараёнлари механизми, термодинамик хусусиятлари ҳақида маълумотлар деярли учрайди.

М.М.Дубинин (Россия) биринчилардан бўлиб, микрокалориметрик усулда А цеолитларида сув адсорбциясининг изотермаларини, G.Martra, S. Coluccia ва бошқалар (Италия) ИК спектр усули ёрдамида NaX ва NaY цеолитларида аммиак ва бензол адсорбциясини, Jian Jiao, Wei Wang ва бошқалар (Хитой) Y типидagi цеолитларга аммиак адсорбциясини механизмини ЯМР спектроскопия усулида, Anett Kondor, András Dallosлар, Huimin Zheng, Liang Zhao ва бошқалар фожазитларда моно- ва диароматик бирикмалар адсорбциясини изотермаларини газ-суюқлик хроматографияси ёрдамида тадқиқ қилишган.

Мамлакатимизда А.А.Агзамходжаев, С.С.Хамраев, С.З.Мўминов, И.Д.Эшметов, Д.С.Салиханова, Ш.А.Кулдашевлар Ангрен кўмири ва гил минералларида, Ҳ.И.Акбаров, А.Ю.Яркуловлар полимер-кремнезем гибрид нанокomпозицияларга ҳар хил молекулалар адсорбциясини вакуумли магбен қурилмасида ўрганишган. ЎЗР ФА умумий ва ноорганик кимё институтида к.ф.д., профессор Г.У.Рахматқариев раҳбарлигида яратилган илмий мактабда, унинг вакиллари О.К.Эргашев, Ф.Г.Рахматқариева, Э.Б.Абдурахмонов, Д.Ж.Жумаева, Й.Ю.Якубов, Ҳ.Н.Бахронов, Ғ.А.Долиев, Т.Д.Абдулхаев, ва бошқалар томонидан MFI, A, X, Y ва LSX русумидаги цеолитлари, гил минераллари, аэросил, мусковит, рутил ва бошқа адсорбентларда аммиак, сув, углерод IV оксиди, ароматик углеводородлар, метанол, этанол, водород сульфид, н-пентан, н-гексан ва бошқа адсорбатлар сорбциясининг асосий термодинамик тавсифлари адсорбция механизмларини тўлиқ ёритиш бўйича юқори вакуумли адсорбцион микрокалориметрик қурилмасида катта ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириб бормоқдалар.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф-7-010 рақамли «Наноструктурали фожазит типидagi цеолитлар панжараси юзасида ион-молекуляр кластерларни энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши» (2017-2020), ҳамда Наманган муҳандислик технология институтида бажарилган МУ-ФЗ-2017102584 рақамли «NaLTA, CaLTA ва содалит молекуляр ғалвирларида мезбон-мехмон боғланиш механизмлари» (2018-2019 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 5А русумидаги цеолитларда турли физикимёвий табиатдаги молекулалар адсорбциясининг изотермалари, дифференциал энтальпиялари, энтропия ўзгариши, иссиқлик мувозанати вақти хусусиятларини ва адсорбция механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адсорбцион-калориметрик тадқиқот усулида СаА (М-22) ва СаА (М-34) цеолитларида аммиак, водород сульфид, карбонил сульфид, этан ва метилмеркаптан адсорбциясининг изотермалари, асосий термодинамик тавсифлари ва иссиқлик мувозанат вақтини тадқиқ этиш;

СаА (М-22) ва СаА (М-34) цеолитларининг фаол адсорбцион марказларининг табиати, миқдори, кучи ва цеолит матрицасидаги жойлашишини аниқлаш;

аммиак молекулаларини молекуляр намуна сифатида фойдаланган ҳолда, 5А русумидаги цеолитлар структураларини тадқиқ қилиш;

5А русумидаги цеолитлар матрицасида газ фазасидаги кутбли ва кутбсиз молекулалар адсорбциясининг адсорбент/адсорбат ион-молекуляр кластерларнинг ҳолати, конформация, локализация ва молекуляр механизмларини аниқлаш;

цеолит структурасидаги термокинетик адсорбция ва алмашинувчи катионларининг кўчиб ўтиш (миграция) қонуниятини очиш ва адсорбция энергиясини ҳисоблаш;

адсорбция изотермалари математик тенгламасини микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш умумий назарияси (МХТН) орқали ифодалаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида элементар ячейкалари мос равишда $\text{Ca}_{2,975}\text{Na}_{1,194}(\text{SiO}_2)_{12}(\text{AlO}_2)_{12}$ ва $\text{Ca}_9\text{Na}_3(\text{SiO}_2)_{12}(\text{AlO}_2)_{12}$ бўлган СаА (М-22) ҳамда СаА (М-34) цеолитлари, адсорбатлар сифатида NH_3 , H_2S , COS , C_2H_6 , CH_3SH лар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети кимёвий модификация, физик-кимёвий хоссалар, сорбция, хемосорбция, системаларнинг матрицасидаги ион-молекуляр комплексларнинг ҳолати, локализация, дифференциал энтальпия, изотерма, энтропия ўзгариши, иссиқлик мувозанати вақти, цеолит фаол марказларининг миқдори ва табиатига мос равишда адсорбция жараёнини қонуниятли боғлиқлиги ва молекуляр механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик кимёвий, адсорбцион-калориметрик ўлчаш, мувозанат босими ва дифференциал иссиқлик мувозанат таҳлил усуллари фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ca^{2+} ва Na^+ катионли 5А русумидаги цеолитларда NH_3 , H_2S , COS , C_2H_6 , CH_3SH молекулалари адсорбциясининг изотермалари, иссиқлик мувозанати вақти ва асосий термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS) аниқланган, адсорбция изотермалари МХТНда қайта ишланган, адсорбция изотермалари ва механизмлари МХТНнинг уч ҳадли математик аппарати тенгламалари асосида исботланган;

NH_3 молекулалари СаА (М-22) цеолитининг Na^+ катионлари билан тетрамер $4\text{NH}_3:\text{Na}^+$, Ca^{2+} катионлари билан димер $2\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ ион-молекуляр

комплексларини, Ca^{2+} да адсорбцияланган 2 та NH_3 молекулалари билан кейинги NH_3 молекулалари адсорбент-адсорбат-адсорбат $\text{Ca}^{2+}:2\text{NH}_3:2\text{NH}_3$, умумий ҳолда $8\text{NH}_3:\text{CaA}$ (M-22) комплексини ҳосил қилиши аниқланган;

CaA (M-34) цеолитининг Na^+ катионлари билан NH_3 молекулалари тетрамер $4\text{NH}_3:\text{Na}^+$, Ca^{2+} катионлари билан димер $2\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ ион-молекуляр комплексларини ҳосил қилиши, адсорбат-адсорбат адсорбцияланмаслиги, умумий ҳолда $6\text{NH}_3:\text{CaA}$ (M-34) комплексини ҳосил қилиши исботланган;

CaA (M-22) цеолитининг Na^+ катионлари билан H_2S молекулалари тример $3\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$, Ca^{2+} катионлари билан мономер $1\text{H}_2\text{S}:\text{Ca}^{2+}$ ион-молекуляр комплексларини, умумий ҳолда $4\text{H}_2\text{S}:\text{CaA}$ (M-22) комплексини ҳосил қилиши ва $\sim 0,78$ ммоль/г H_2S молекулалари цеолитнинг катионсиз қисмида адсорбцияланиши аниқланган;

CaA (M-34) цеолитининг Na^+ катионлари билан H_2S молекулалари тетрамер $4\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$, Ca^{2+} катионлари билан мономер $1\text{H}_2\text{S}:\text{Ca}^{2+}$ ион-молекуляр комплексларини, умумий ҳолда $5\text{H}_2\text{S}:\text{CaA}$ (M-34) комплексини ҳосил қилиши ва $0,8$ ммоль/г H_2S молекулалари цеолитнинг катионсиз қисмида адсорбцияланиши исботланган;

CaA (M-22) ва CaA (M-34) цеолитининг Na^+ катионлари билан COS молекулалари тример $3\text{COS}:\text{Na}^+$, Ca^{2+} катионлари билан мономер $1\text{COS}:\text{Ca}^{2+}$ ион-молекуляр комплексларини, умумий ҳолда $4\text{COS}:\text{CaA}$ комплексини ҳосил қилиши аниқланган;

CaA (M-22) ва CaA (M-34) цеолитининг Na^+ катионлари билан этан молекулалари димер $2\text{C}_2\text{H}_6:\text{Na}^+$ ион-молекуляр комплексларини ҳосил қилиши, тажриба босимида Ca^{2+} катионларида адсорбцияланмаслиги исботланган;

CaA (M-22), CaA (M-34) цеолитларининг Na^+ ва Ca^{2+} катионлари билан CH_3SH молекулалари $1\text{CH}_3\text{SH}:\text{Na}^+$ ҳамда $1\text{CH}_3\text{SH}:\text{Ca}^{2+}$ мономер ион-молекуляр комплексларини, цеолитларнинг Na^+ катионида адсорбцияланган дастлабки CH_3SH молекулалари билан адсорбат-адсорбат мономер комплексини, умумий ҳолда $3\text{CH}_3\text{SH}:\text{CaA}$ (M-22, M-34) комплексларини ҳосил қилиши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

CaA (M-22) ва CaA (M-34) цеолитининг бўшлиқларида NH_3 , H_2S , COS , C_2H_6 , CH_3SH молекулалари адсорбциясининг механизмларини амалий ва назарий тадқиқотларидан олинган натижалари асосида маҳаллий хом ашёлардан микроғовакли адсорбентлар олиш имконияти яратилган;

адсорбция механизмлари юқори вакуумли адсорбцион қурилмада микрокалориметрик усули ва МХТН тенгламасининг математик аппаратида аниқлашнинг методикаси ишлаб чиқилган;

“O‘ZLITINEFTGAZ” Акциядорлик жамияти табиий физик кимёвий лабораториясида синов ишлари ўтказилиб цеолит аналогларида табиий газ таркибидан сув, олтингугуртли, этан ва азотли бирикмалардан адсорбциялаб ажратиш олиш имкониятлари яратилган;

“Farg‘ona neftni qayta ishlash zavodi”нинг ишлаб чиқариш ва техник лабораториясида цеолит аналогларида тажриба синов ишлари ўтказилиб

нефтан олинган махсулот (бензин ва дизель ёқилғи)ларини олтингугуртли бирикмалардан адсорбциялаб ажратиб олиш имкониятлари яратилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий (элемент) ва физик-кимёвий (калориметрик, дифференциал термокинетик) таҳлил натижалари ишончлилиги лаборатория синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти амалга оширилган адсорбцион-калориметрик тадқиқот иши кимёвий ва физик адсорбциянинг назарий ривожланиши учун, шунингдек, сорбцион техникада аппаратлар ва жараёнлар бўйича амалий ҳисоблаш учун зарурий бўлган ҳамда ўрганилган тизимларнинг асосий термодинамик функцияларини аниқлашда асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли физикимёвий табиатдаги молекулаларни цеолитларда сорбциясининг газ фазаси тўйиниш босимигача бўлган тўлиқ механизми ва молекулаларни фаол марказлардаги катионлар билан ҳосил қилган ион-молекуляр комплексларини ўрганилиши модификацияланган янги сорбентларнинг олиниши ва қўлланишига хизмат қилади. Бундан ташқари ОТМ магистрантларига физик ва коллоид кимё фанидан ўтиладиган махсус курсларида қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори вакуумли адсорбцион-калориметрик қурилмада адсорбциянинг асосий термодинамик тавсифлари (ΔH , ΔG ва ΔS) бўйича олинган илмий натижалари асосида:

СаА русумидаги цеолитлари аналоглари билан газни сувдан тозалаш «O'ZLITINEFTGAZ» АЈ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2023 йил 7 августдаги 05-18-8/623-сон маълумотномаси). Натижада газ таркибидаги сув молекулаларидан тозалаш даражасини 2,9 мг/л дан 1,2 мг/л гача камайтириш имконини берган;

СаА русумидаги цеолитлари аналоглари билан газни H_2S , COS ва CH_3SH дан тозалаш «O'ZLITINEFTGAZ» АЈда амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2023 йил 7 августдаги 05-18-8/623-сон маълумотномаси). Натижада газ таркибидаги H_2S 2,9 мг/л дан 0,0031 мг/л, COS ни 0,487 мг/л дан 0,0031 мг/л ва метилмеркаптан 0,8954 мг/л дан 0,00021 мг/л гача камайтириш имконини берган;

СаА русумидаги цеолитлар аналоглари билан газни олтингугуртли бирикмалардан тозалаш усули «O'ZLITINEFTGAZ» АЈда амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2023 йил 7 августдаги 05-18-8/623-сон маълумотномаси). Натижада, газ таркибини аммиак 3,2 мг/л дан 1,5 мг/л ва этан 1,5 мг/л дан 0,51 мг/л гача камайтириш имконини берган;

СаА русумидаги цеолитлар аналоглари билан нефт махсулотлари таркибида мавжуд бўлган H_2S ва COS каби қўшимча бирикмалардан, шунингдек CH_3SH ва C_2H_6S дан тозалаш усули «Фарғона НКИЗ» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Фарғона НКИЗ» МЧЖ нинг 2023 йил 04 сентябрдаги 01-02/2001-сон маълумотномаси). Натижада, нефт таркибини H_2S дан 98%, CH_3SH ва C_2H_6S дан 93% гача тозалаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро, жумладан 2 та Scopus базасидаги ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 та монография, ЎзР ОАКнинг илмий ишлар учун натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 215 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалар, муаммони ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**ЛТА русумидаги цеолитлар фаол марказларинг тузилиши, таркиби, физик-кимёвий хусусиятлари ва хоссалари**» деб номланган 1-бобида бутун дунёдаги тадқиқотчилар томонидан турли усуллар билан синтезланган цеолитларнинг батафсил тузилиши, хусусан, уларнинг ғовақлари ва фаол марказларидаги катионлар сони ва жойлашуви кўрсатилган. Шунингдек, бу бобда цеолитларнинг ўзига хос хоссалари, жумладан, сирт кимёси, каттик фазаларнинг микроғовақ тузилиши ва уларнинг фаол марказлари билан адсорбцион ўзаро таъсири шарҳланган.

Диссертациянинг «**ЛТА русумидаги цеолитларда аммиак молекуласининг адсорбцияси**» деб номланган 2-бобида СаА (М-22) ва СаА (М-34) цеолитларида NH_3 адсорбциясининг изотермалари, дифференциал иссиқлиги (Q_d), энтропияси (S_d), иссиқлик мувозанат вақти (τ) ва улар асосидаги, ҳамда МХТНда қайта тавсифланган изотерманинг математик аппарати тенгламаси асосидаги адсорбция механизми батафсил ёритилган.

СаА (М-22) цеолитида NH_3 адсорбцияси. 1а,б-расмларда СаА (М-22) цеолитида NH_3 адсорбция изотермалари келтирилган. Кичик тўйинишларда NH_3 мустаҳкам ион-молекуляр комплекс боғланишда эканлигини кўрсатади. Изотерма $P/P_s=0,0534$ (467 мм.см.уст.)да 10,36 ммоль/г гача етказилган. Тўла адсорбциянинг 30 % қисми 0,34 мм.см.уст., 40 % қисми 1 мм.см.уст., 50 % қисми 6 мм.см.уст., 60 % қисми 24 мм.см.уст., 65 % қисми 50 мм.см.уст., 81 % қисми 377 мм.см.уст. босимигача адсорбцияланади. 3 ммоль/г ва $P/P_s=3,5 \cdot 10^{-4}$ (0,34 мм.см.уст.)да 0,76 ммоль/г (Na^+ миқдори)га каррали $4\text{NH}_3:\text{Na}^+$, $P/P_s=6 \cdot 10^{-4}$ (6 мм.см.уст.) ва 5 ммоль/г да 1,9 ммоль/г (Ca^{2+} миқдори)га каррали $1\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$, 6,8 ммоль/г ва $P/P_s=0,0137$ (120 мм.см.уст.) да

$2\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$, кейинги молекулалар дастлаб адсорбцияланган NH_3 молекулалари билан 8,7 ммоль/г ва $P/P_s=0,05$ (380 мм.см.уст.) $\text{Ca}^{2+}:\text{2NH}_3:\text{NH}_3$ ни, ~10,6 ммоль/г ва $P/P_s=0,054$ (467 мм.см.уст.)да $\text{Ca}^{2+}:\text{2NH}_3:\text{2NH}_3$ ни, умумий ҳолда $8\text{NH}_3:\text{CaA}(\text{M-22})$ комплексларини ҳосил қилади.




1-расм. СаА (М-22) цеолитида NH_3 молекулалари адсорбция изотермаси (◇-тажриба, ◆, ◆, ◆, ◆-МХТН тенгламасида ҳисобланган қийматлари).

$\ln(P/P_s)$ координатасидаги изотермадан Na^+ ва Ca^{2+} нинг миқдорига мос равишда комплекслар ҳосил бўлиши кўринадди. СаА (М-22) цеолитида NH_3 адсорбция изотермаси 3 ҳадли МХТН тенгламаси ёрдамида тавсифланади:

$$a = 4,77 \exp[-(A/28.78)^7] + 2,344 \exp[-(A/16.82)^4] + 53,1 \exp[-(A/5.25)^3] \quad (1)$$

МХТН қийматлари тажрибада қийматларига мос келади. Тенгламанинг дастлабки 2 ҳадлари NH_3 молекулаларини цеолитнинг Na^+ ва Ca^{2+} катионли актив марказларида адсорбцияланиши ифода қилади.

2б,в-расмларда СаА (М-22) цеолитида NH_3 адсорбциясининг энтальпия (а) ва энтропия ўзгариши (б) келтирилган. Энтальпия 0,37 ммоль/г да ~135 кЖ/моль дан 97 ммоль/г гача чизикли камайиб $\text{NH}_3:\text{2Na}^+$ ни, 0,76 ммоль/г да Na^+ қайта тақсимланиб $1\text{NH}_3:\text{Na}^+$, 1,5 ммоль/г ва 70 кЖ/моль да $2\text{NH}_3:\text{Na}^+$, 2,2 ммоль/г ва 63 кЖ/моль да $3\text{NH}_3:\text{Na}^+$, 64 кЖ/моль ва 3 ммоль/г да тетрамер $4\text{NH}_3:\text{Na}^+$, 4,9 ммоль/г ва 58 кЖ/моль да мономер $1\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$, 6,8 ммоль/г да энтальпия NH_3 нинг конденсация энтальпиясигача камайиб димер $2\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ комплексларини шакллантириб цеолит катионларида сорбцияланиш тугайди, 2 та NH_3 (3,8 ммоль/г) молекулалари ўзаро сорбцияланади.




2-расм. СаА (М-22)да NH_3 адсорбциясининг дифференциал энтальпияси (а) ва энтропия ўзгариши (б)

Адсорбция энтропияси ҳосил бўладиган механизмларга мос равишда ўзгаради ва у суяқ NH_3 нинг энтропиясидан пастда жойлашган бўлиб NH_3 молекулалари ҳаракатчанлиги чекланган ҳолда бўлади (2б-расм). Энтропия

цеолит таркибидаги Na^+ ва Ca^{2+} миқдорларига мос равишда ўзгаради. 26-расмдан 3 ммоль/г да Na^+ , 6,8 ммоль/г да Ca^{2+} катионлари билан $4\text{NH}_3:\text{Na}^+$ ва $2\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ шакллантириши яққол кўринади. Ўртача энтропия ўзгариши -71 Ж/моль·К га тенг бўлиб NH_3 молекулаларининг ҳаракатчанлиги етарли даражада чекланганлигини ифодалайди. Энтропия ўзгариши NH_3 цеолитнинг Na^+ ва Ca^{2+} катионларида $6\text{NH}_3:\text{CaA}(\text{M-34})$, 10,6 ммоль/г да $\text{Ca}^{2+}:2\text{NH}_3:2\text{NH}_3$, умумий ҳолда $8\text{NH}_3:\text{CaA}(\text{M-22})$ ҳосил бўлишини тасдиқлайди.

CaA (M-34) цеолитида NH_3 адсорбцияси. За,б-расмларда CaA (M-34) да NH_3 адсорбциясининг изотермалари келтирилган. $P/P_s=3,73 \cdot 10^{-6}$ да адсорбция 0,12 ммоль/г га тенг, яъни NH_3 мустаҳкам ион-молекуляр комплекс боғланишда эканлигини кўрсатади. Изотерма $P/P_s=0,06$ ($P=524$ мм.см.уст.)да 7,22 ммоль/г гача олиб борилди. Тўла адсорбциянинг 40 % қисми 0,37 мм.см.уст., 53 % қисми 1 мм.см.уст., 50 % қисми 0,77 мм.см.уст., 69 % қисми 10 мм.см.уст., 82 % қисми 50 мм.см.уст., 96 % қисми 389 мм.см.уст. босимигача адсорбцияланади. Бошланғич соҳада $P/P_s=0,0001143$ ($P=1$ мм.см.уст., ($k=53\%$)) ва 3,85 ммоль/г гача босим жуда секин ортади. 3,85 ммоль/г адсорбция Na^+ миқдори (0,96 ммоль/г)дан 4 марта катта, яъни NH_3 молекуласи Na^+ билан $4\text{NH}_3:\text{Na}^+$, $P/P_s=0,0046$ ($P=40$ мм.см.уст.) ва 5,75 ммоль/г да $1\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ ($k=80\%$) шаклланади, $2\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ комплекс ҳосил бўлишида эса P/P_s қурилманинг тажриба ўтказиш мумкин бўлган диапазони ($P/P_s=0,06$ ёки $P=526$ мм.см.уст.)гача кескин ортади, умумий ҳолда Na^+ ва Ca^{2+} билан $6\text{NH}_3:\text{Me}$ механизмларини ҳосил қилиб CaA (M-34) да NH_3 адсорбцияси тугайди. $\text{Ln}(P/P_s)$ координатасидаги изотермадан Na^+ ва Ca^{2+} нинг миқдорига мос равишда комплекслар ҳосил бўлиши яққол кўринади.



3-расм. CaA (M-34)да NH_3 адсорбциясининг изотермаси (\diamond -тажриба, \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge -МХТН тенгласида ҳисобланган қийматлари).


CaA (M-34) цеолитида NH_3 адсорбция изотермаси уч ҳадли МХТН тенгласи ёрдамида тавсифланади:

$$a=3,678\exp[-(A/29.55)^{10}]+2,05\exp[-(A/20.52)^5]+2,143\exp[-(A/10.63)^3] \quad (2)$$

МХТН қийматлари тажриба қийматларига мос келади. Тенгламанинг 1-ҳади Na^+ , 2- ва 3-ҳадлари Ca^{2+} катионида мос равишда $1\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ ва $2\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ ҳосил бўлишдаги механизмларни тасдиқлайди.

4б,в-расмларда CaA (M-22) цеолитида NH_3 адсорбциясининг энтальпия (а) ва энтропия ўзгариши (б) келтирилган. Дифференциал энтальпия 0,96 ммоль/г да ~ 136 кЖ/моль дан 81 моль/г гача камайиб $1\text{NH}_3:\text{Na}^+$, 1,92 ммоль/г

ва 74 кЖ/моль да $2\text{NH}_3:\text{Na}^+$, 2,9 ммоль/г ва 68 кЖ/моль да $3\text{NH}_3:\text{Na}^+$, 70 кЖ/моль ва 3,85 ммоль/г да $4\text{NH}_3:\text{Na}^+$, 34,5 кЖ/моль ва 5,75 ммоль/г да Ca^{2+} да $1\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$, сўнг энтальпия 20 кЖ/моль гача камайиш билан димер $2\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ комплексларини шакллантириб СаА (М-34) цеолитида адсорбция жараёни тугайди. Ҳар бир комплекс шаклланишидан сўнг адсорбция энтальпиясининг ортиши NH_3 молекулаларининг ўзаро Ванн-дер-Ваальс таъсирлашувидан қўшимча энергиянинг ажралиб чиқиши натижасидир.




4-расм. СаА (М-34)да NH_3 адсорбциясининг дифференциал энтальпияси (а) ва энтропия ўзгариши (б)

Энтропияси ўзгаришидаги экстримумлар ҳар бир ҳосил бўладиган механизмларга мос келади ва умумий ҳолда у суюқ NH_3 нинг энтропия қийматидан етарлича пастда жойлашган, яъни NH_3 молекулаларининг ҳаракатчанлиги чекланган бўлади (4б-расм). Энтропиянинг ўзгариши изотерма ва энтальпияда ҳосил бўлган ион-молекуляр механизмларни тасдиқлайди ва цеолит таркибидаги Na^+ ва Ca^{2+} миқдорларига мос равишда ўзгаради. 4б-расмдан 3,85 ммоль/г да Na^+ , 7,66 ммоль/г да Ca^{2+} катионлари билан мос равишда $4\text{NH}_3:\text{Na}^+$ ва $2\text{NH}_3:\text{Ca}^{2+}$ комплексларни шакллантириши кўринади. Ўртача энтропия ўзгариши $-72 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ га тенг бўлиб, NH_3 нинг ҳаракатчанлиги етарли даражада чекланганлигини ифодалайди. Энтропия ўзгариши умумий ҳолда NH_3 нинг Na^+ ва Ca^{2+} катионлари билан $6\text{NH}_3:\text{Me}$ ион-молекуляр механизмни ҳосил қилишини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «ЛТА русумидаги цеолитларда водород сульфид молекулаларининг адсорбцияси» деб номланган 3-бобида СаА (М-22) ва СаА (М-34) цеолитларида H_2S адсорбциясининг изотермалари, дифференциал энтальпияси (Q_d), энтропияси (S_d), иссиқлик мувозанат вақти (τ) ва улар асосидаги, ҳамда МХТНда ифодаланган изотерманинг математик аппарати тенгламаси асосидаги адсорбция механизми батафсил ёритилган.

СаА (М-22) цеолитида H_2S адсорбцияси. 5а,б-расмларда СаА (М-22) цеолитида H_2S адсорбциясининг изотермалари келтирилган. Кичик тўйинишларда $P/P_s=7,1\cdot 10^{-7}$ да адсорбция 0,092 ммоль/г га тенг. Бу H_2S мустаҳкам боғланишда эканлигини кўрсатади. Изотерма $P/P_s=0,0278$ ($P=549 \text{ мм.см.уст.}$)да 4,95 ммоль/г гача етказилган. Тўла адсорбциянинг 22 % қисми 0,75 мм.см.уст., 43 % қисми 4 мм.см.уст., 56 % қисми 10 мм.см.уст., 82 % қисми 78 мм.см.уст., 83 % қисми 100 мм.см.уст., 87 % қисми 172 мм.см.уст., 93 % қисми 317 мм.см.уст. босимигача адсорбцияланади.



5-расм. CaA (M-22)да H₂S адсорбциясининг изотермаси (◇-тажриба, ◆, ◆, ◆, ◆, ◆-МХТН тенгламасида ҳисобланган қийматлари).

5а-расмдан ~2,3 ммоль/г ва $P/P_s=4,5 \cdot 10^{-5}$ ($P=4$ мм.см.уст.)да 0,76 ммоль/г (Na^+ миқдори)га қаррали кетма-кетликда $3\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$ ни шакллантириши ($k=44\%$), шу комплексдан бошлаб P/P_s нинг кескин ортиши H_2S нинг Ca^{2+} да адсорбцияланиши ва 4,95 ммоль/г да $1\text{H}_2\text{S}:\text{Ca}^{2+}$, умумий ҳолда $4\text{H}_2\text{S}:\text{Me}$ комплексини ҳосил қилиб CaA (M-22) да H_2S сорбцияси тугагини, шунингдек изотерманинг $\ln(P/P_s)$ графигидан (5б-расм) Na^+ ва Ca^{2+} нинг миқдорига мос равишда комплекслар ҳосил бўлишини кўрсатади.


CaA (M-22) цеолитида H_2S адсорбция изотермаси 3 ҳадли МХТН тенгламаси ёрдамида тавсифланади:

$$a=0,9\exp[-(A/34,35)^2]+2,465\exp[-(A/21,54)^3]+2,54\exp[-(A/11,42)^3] \quad (3)$$

МХТН қийматлари тажриба қийматларига мос келади. Тенгламанинг 1-ҳади Na^+ , 2-ҳади H_2S нинг асосан Na^+ да $2\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$ ҳосил қилиши ва қисман Ca^{2+} да, 3-ҳади Ca^{2+} катионида адсорбцияланиш механизмларини тасдиқлайди.

5б,в-расмларда CaA (M-22) цеолитида NH_3 адсорбциясининг энтальпия (а) ва энтропия ўзгариши (б) келтирилган. Бошланғич соҳада энтальпия ~91 кЖ/моль дан 56 кЖ/моль гача камайиб, 0,76 ммоль/г адсорбцияда поғона ҳосил қилади. 0,76 ммоль/г адсорбция миқдори цеолит таркибидаги Na^+ миқдорига тенг, яъни адсорбат/адсорбент $1\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$ комплексини ҳосил қилади. 1,5 ммоль/г да 50 кЖ/моль гача камайиб $2\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$, 2,3 ммоль/г да энтальпия 52 кЖ/моль гача ортиб $3\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$ комплексини шакллантириши билан H_2S нинг Na^+ катионларида сорбцияланиши тугайди. Моно- ва димер комплекслари ҳосил бўлгандан сўнг энтальпиянинг 2 кЖ/моль га ортиши H_2S нинг ўзаро кучсиз Ваан-дер-Ваальс таъсир кучи натижасида қўшимча энергиянинг ажралиб чиқиши натижасидир. 4,2 ммоль/г да энтальпия 37 кЖ/моль гача камайиб H_2S молекулалари Ca^{2+} катионлари билан $1\text{H}_2\text{S}:\text{Ca}^{2+}$ ни шакллантиради ва 4,95 ммоль/г да H_2S нинг конденсация иссиқлиги 20 кЖ/моль гача камайиб мазкур цеолитда адсорбция жараёни яқунланади.

CaA (M-22) цеолитида H_2S молекулалари адсорбциясининг энтропия ўзгариши (ΔS_a) 6б-расмда келтирилган. Энтропиясининг ўзгаришидаги экстримумлар ҳосил бўладиган механизмларни тўла тасдиқлайди, жумладан энтропиянинг 2,3 ммоль/г дан ~4,2 ммоль/г гача ($\Delta a \sim 1,9$ ммоль/г, бу Ca^{2+} миқдорига тенг) чизикли ўзгариши асосида H_2S молекулаларининг Ca^{2+} катионларида $\text{H}_2\text{S}:\text{Ca}^{2+}$ ион-молекуляр ҳосил қилиш механизми аниқланди.



6-расм. CaA (M-22)да H₂S адсорбциясининг дифференциал энтальпияси (а) ва энтропия ўзгариши (б)

Энтропия ўзгариши умумий ҳолда суяқ H₂S нинг энтропия қийматидан пастда жойлашган, яъни H₂S молекулаларининг ҳаракатчанлиги чекланган бўлади. Энтропиянинг ўзгариши изотерма ва энтальпияда ҳосил бўлган ион-молекуляр механизмларга тасдиқлайди ва цеолит таркибидаги Na⁺ ва Ca²⁺ миқдорларига қаррали равишда ўзгаради. 2,3 ммоль/г да Na⁺ да ва 4,2 ммоль/г да Ca²⁺ катионлари билан мос равишда 3H₂S:Na⁺ ва 1H₂S:Ca²⁺ комплексларни шакллантириши яққол кўринади. Ўртача энтропия ўзгариши - 23 Ж/моль·К га тенг бўлиб, H₂S молекулаларининг ҳаракатчанлиги қисман чекланганлиги ифодалайди. Энтропия H₂S нинг Na⁺ ва Ca²⁺ катионлари билан 4H₂S:Me ион-молекуляр механизмларини ҳосил қилишини тасдиқлайди.


CaA (M-34) цеолитида H₂S адсорбцияси. 7а,б-расмларда CaA (M-34) да H₂S адсорбциясининг изотермалари келтирилган. Кичик тўйинишларда P/P_s=1,67·10⁻⁶ да адсорбция 0,12 ммоль/г га тенг. Бу H₂Sнинг мустаҳкам боғланишда эканлигини кўрсатади. Изотерма P/P_s=0,0336 (P=582 мм.см.уст.) да 6,6 ммоль/г гача етказилган. Тўла адсорбциянинг 23 % қисми 2,27 мм.см.уст. гача, 36 % қисми 11,4 мм.см.уст. гача, 47 % қисми 35 мм.см.уст. гача, 56 % қисми 87 мм.см.уст. гача ва 71 % қисми 311 мм.см.уст. гача, 83 % қисми 477 мм.см.уст. гача адсорбцияланади. Изотерма ~0,96 ммоль/г гача чизиқли ўзгаришида H₂S молекулалари Na⁺ катионлари билан 1H₂S:Na⁺, P/P_s=3,8·10⁻⁴ (P=6,8 мм.см.уст.) да 2-чизиқли ўзгариш билан ~1,92 ммоль/г да 2H₂S:Na⁺, 2,88 ммоль/г ва P/P_s=0,001 (P=15 мм.см.уст.) да 3H₂S:Na⁺, 3,84 ммоль/г ва P/P_s=0,004 (P=90 мм.см.уст.) да 4H₂S:Na⁺, P/P_s=0,0278 (P=582 мм.см.уст.) ва 5,75 ммоль/г да 1H₂S:Ca²⁺, умумий ҳолда 5H₂S:Me комплексини билан ~6,6 ммоль/г адсорбцияда H₂S нинг сорбцияси тугайди. CaA (M-34) цеолитида H₂S адсорбция изотермаси 3 ҳадли МХТН тенгламаси ёрдамида тавсифланади:

$$a=1,62\exp[-(A/29,17)^7]+2,4\exp[-(A/18,57)^5]+5,43\exp[-(A/9,43)^3] \quad (4)$$

МХТН қийматлари тажриба қийматларига тўла мос келади. Тенгламанинг дастлабки икки ҳадлари H₂S молекулаларининг цеолитни Na⁺ катионли фаол марказларида 4H₂S:Na⁺ ва 2-ҳади 1H₂S:Ca²⁺ ҳосил бўлишини тасдиқлайди. Изотерманинг Ln(P/P_s) даги графиги (7б-расм) Na⁺ ва Ca²⁺ нинг миқдорига мос равишда комплекслар ҳосил бўлишини кўрсатади.


7-расмда CaA (M-34) цеолитида H₂S адсорбциясининг энтальпия (а) ва энтропия ўзгариши (б) келтирилган. Бошланғич соҳада энтальпия ~91

кЖ/моль га тенг. 0,96 ммоль/г да 65 кЖ/моль гача камайиб $1\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$, 1,92 ммоль/г да 50 кЖ/моль гача камайиб $2\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$, 2,9 ммоль/г ва 52 кЖ/моль гача ортиб $3\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$, 3,9 ммоль/г адсорбция ва 42 кЖ/моль да тетрамер $4\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$ комплексларини шакллантириб Na^+ да адсорбция жараёни тугайди.



7-расм. СаА (М-34)да H_2S адсорбциясининг изотермаси (\diamond -тажриба, \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge -МХТН тенгламасида ҳисобланган қийматлари).

H_2S нинг моно- ва димер комплекслар ҳосил қилганидан сўнг энтальпиянинг қисман (2 кЖ/моль га) ортиши H_2S молекулаларининг ўзаро кучсиз Ван-дер-Ваальс таъсир кучи натижасидир.




8-расм. СаА (М-34)да H_2S адсорбциясининг дифференциал энтальпияси (а) ва энтропия ўзгариши (б)

СаА (М-34) цеолитида H_2S молекулалари адсорбциясининг энтропия ўзгариши (ΔS_a) 8б-расмда келтирилган. Унинг ўзгаришидаги экстримумлар ҳосил бўладиган механизмларни тасдиқлайди. Энтропия -102 Ж/моль·К дан -58 Ж/моль·К гача ортиб поғона ҳосил қилиш билан $1\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$, 3,9 ммоль/г адсорбцияда -27 Ж/моль·К гача чизикли ортиб ди-, три- ва тетрамер $4\text{H}_2\text{S}:\text{Na}^+$, 5,75 ммоль/г да 25 Ж/моль·К гача ортиб $1\text{H}_2\text{S}:\text{Ca}^{2+}$ комплексларини ҳосил қилади. Энтропия ўзгаришининг ўртача қиймати -20 Ж/моль·К га тенг бўлиб, H_2S молекулари ҳаракатчанлиги чекланганлигини ифодалайди.

Диссертациянинг «ЛТА русумидаги цеолитларда карбонил сульфид молекулаларининг адсорбцияси» деб номланган 4-бобда СаА (М-22) ва СаА (М-34) цеолитларида COS адсорбциясининг изотермаси, дифференциал иссиқлиги (Q_d), энтропия ўзгариши (S_d), иссиқлик мувозанат вақти (τ) ва улар асосидаги, ҳамда МХТНда қайта тавсифланган изотерманинг математик аппарати тенгламаси асосидаги адсорбция механизми батафсил ёритилган.

CaA (M-22) цеолитида COS адсорбцияси. 9а,б-расмларда COS молекулаларининг CaA (M-22) цеолитида адсорбциясининг P/P_s ва $\ln(P/P_s)$ координаталаридаги тажриба қийматлари ва МХТН тенгламасининг ҳар бир ҳадлари билан ҳисобланган изотермалари келтирилган. Изотерма $P/P_s=0,0687$ ($P=510$ мм.см.уст.) да 4,3 ммоль/г адсорбция миқдоригача етказилди. Тўла адсорбциянинг 26 % қисми 2 мм.см.уст. гача, 47 % қисми 9 мм.см.уст. гача, 58 % қисми 30 мм.см.уст. гача, 65 % қисми 100 мм.см.уст.гача ва 86 % қисми 376 мм.см.уст. гача адсорбцияланади. 4,3 ммоль/г адсорбциядаги эгилиш COSнинг кейинги сорбцион фаол марказда (4,3 ммоль/г гача COSнинг Na^+ билан тример ва Ca^{2+} билан мономер комплекслари ҳосил бўлади) сорбцияланишини ифодалайди. $\sim 0,76$ ммоль/г адсорбция миқдорида COS молекулалари Na^+ билан $1\text{COS}:\text{Na}^+$ комплексини шакллантиради. 2,3 ммоль/г да изотерма $P/P_s=0,00145$ ($P=16,3$ мм.см.уст.) гача чизиқли ўзгариш қиймати Na^+ миқдоридан 3 марта катталиги COS нинг кетма-кет равишда $3\text{COS}:\text{Na}^+$ тримергача бўлган комплексларини шакллантиришини ифодалайди. 2,3 ммоль/г дан бошлаб COS молекулалари Ca^{2+} да адсорбциялана бошлайди. $P/P_s=0,0687$ ($P=510$ мм.см.уст.) да ва 4,29 ммоль/г да $1\text{COS}:\text{Ca}^{2+}$ комплекси билан, умумий ҳолда адсорбат/адсорбент $4\text{COS}:\text{Me}$ комплексини ҳосил қилиб CaA (M-22) цеолитда COSнинг адсорбцияси тугайди.




9-расм. CaA (M-22)да COS адсорбциясининг изотермаси (\diamond -тажриба, \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge - МХТН тенгламасида ҳисобланган қийматлари).

CaA (M-22) цеолитида COS адсорбция изотермаси 3 ҳадли МХТН тенгламаси ёрдамида тавсифланади:

$$a=0,265\exp[-(A/32,65)^{16}]+2,5\exp[-(A/21,62)^6]+2,724\exp[-(A/7,88)^3] \quad (5)$$

МХТН қийматлари тажриба қийматларига тўла мос келади. Тенгламанинг дастлабки 2 ҳадлари COS нинг Na^+ да $3\text{COS}:\text{Na}^+$ ва 3-ҳади $1\text{COS}:\text{Ca}^{2+}$ ҳосил бўлишини тасдиқлайди. Изотерманинг $\ln(P/P_s)$ даги графиги (9б-расм) Na^+ ва Ca^{2+} нинг миқдорига мос равишда комплекслар ҳосил бўлишини кўрсатади.

10а,б-расмларда CaA (M-22) цеолитида COS адсорбциясининг энтальпия (а) ва энтропия ўзгариши (б) келтирилган. Бошланғич соҳадаги адсорбция энтальпияси ~ 91 кЖ/моль га тенг. Адсорбция миқдори ортиши билан 0,6 ммоль/г да 62 кЖ/моль гача камайдди. 0,76 ммоль/г да 66 кЖ/моль гача ортиб поғона билан $1\text{COS}:\text{Na}^+$, 1,56 ммоль/г да 60 кЖ/моль гача ортиб $2\text{COS}:\text{Na}^+$, $\sim 2,2$ ммоль/г $3\text{COS}:\text{Na}^+$ комплекс билан Na^+ рида адсорбция жараёни тугайди. 4,2 ммоль/г COS молекулалари Ca^{2+} билан $1\text{COS}:\text{Ca}^{2+}$ комплексини ҳосил қилиб энтальпия 20 кЖ/моль гача камайиб адсорбция яқунланади.




10-расм. СаА (М-22)да СОS адсорбциясининг дифференциал энтальпияси (а) ва энтропия ўзгариши (б)

СаА (М-22) да СОS адсорбция энтропияси ўзгаришининг адсорбцион тўйинишга боғлиқлиги 10б-расмда келтирилган. Адсорбция энтропияси суяқ СОSнинг энтропиясидан пастда жойлашган ва адсорбцияси 2 та 0,76 ммоль/г га, 1 та 1,89 ммоль/г га қаррали бўлган, ҳамда 0,6 ммоль/г даги суяқ СОSнинг энтропиясидан юқорида жойлашган поғонали соҳалардан иборат. Энтропия -115 Ж/моль·К дан 0,76 ммоль/г да -68 Ж/моль·К гача камайиб 1СОS:Na⁺, 1,55 ммоль/г да -68 Ж/моль·К гача камайиб 2СОS:Na⁺, 2,2 ммоль/г ва -63 Ж/моль·К гача камайиб 3СОS:Na⁺, 4,3 ммоль/г да энтропия 55 Ж/моль·К гача ортиб 1СОS:Ca²⁺ комплексларини ҳосил қилади. Na⁺ катионидаги комплекслар ҳосил бўлишида энтропиянинг дастлаб қисман камайиши, сўнг ортиши СОS молекулаларининг ўзаро таъсирида иссиқлик ажралиб чиқиши ва СОS молекулаларининг локализацияси қийинлашганлиги учун унинг ҳаракатчанлигининг чекланиши билан боғлиқ.

СаА (М-34) цеолитида СОS адсорбцияси. 11а,б-расмларда СаА (М-34) цеолитида СОS адсорбцияси изотермалари келтирилган. Кичик тўйинишдаги 0,15 ммоль/г да $P/P_s=7,2 \cdot 10^{-6}$ ($P=0,05$ мм.см.уст.)га тенг. Изотерма $P/P_s=0,06$ ($P=588$ мм.см.уст.) да 3,62 ммоль/г гача етказилган. Тўла адсорбциянинг 31 % қисми 2 мм.см.уст., 75 % қисми 144 мм.см.уст., 83 % қисми 264 мм.см.уст., 93 % қисми 423 мм.см.уст. босимгача сорбцияланади.

Изотерманинг $P/P_s=7,2 \cdot 10^{-6}$ қиймати цеолит матричасида СОS молекулалари мустаҳкам ион-молекуляр комплекс боғланишда эканлигини кўрсатади. Изотерма $P/P_s=5,8 \cdot 10^{-4}$ ($P=15$ мм.см.уст.) ва ~1,9 ммоль/г адсорбция миқдоригача чизиқли равишда ўзгаради. Бу адсорбция қиймати цеолитнинг таркибидаги Na⁺ нинг миқдори 0,96 ммоль/г дан 2 марта катта, яъни ~1,9 ммоль/г адсорбция миқдорида СОS молекулалари цеолит таркибидаги Na⁺ билан кетма-кет равишда 2СОS:Na⁺ комплексларини ҳосил қилади. 2-чизиқли ўзгариш 2,9 ммоль/г адсорбция ва изотерманинг $P/P_s=0,0242$ ($P=263$ мм.см.уст.) га тўғри келади. Бу қийматда СОS молекулалари Na⁺ билан 3СОS:Na⁺ комплексини ҳосил қилиб СОS нинг Na⁺ катионларида адсорбция жараёни яқунланади. 3СОS:Na⁺ комплекси ҳосил бўлишидан сўнг мувозанат босимининг кескин 2 марта ортиши ҳам буни тасдиқлайди.



11-расм. СаА (М-34)да COS адсорбциясининг изотермаси (\diamond -тажриба, \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge , \blacklozenge -МХТН тенгламасида ҳисобланган қийматлари).

Нисбий босимнинг $P/P_s=0,059$ ($P=588$ мм.см.уст.) ва $3,6$ ммоль/г да умумий ҳолда адсорбат/адсорбент $3,5\text{COS}:\text{Me}$ комплексини ҳосил қилиб СаА (М-34) цеолитда COSнинг сорбцияси яқунланади.

СаА (М-34) цеолитида COS адсорбция изотермаси уч ҳадли МХТН тенгламаси ёрдамида тавсифланади:


$$a=1,0\exp[-(A/27,53)^8]+1,4\exp[-(A/20,7)^5]+2,143\exp[-(A/8,7)^3] \quad (6)$$

МХТН қийматлари тажриба қийматларига тўла мос келади. Тенгламанинг дастлабки 2 ҳадлари COS нинг Na^+ да $3\text{COS}:\text{Na}^+$, 3-ҳади дастлаб қисман Na^+ да сўнг Ca^{2+} да $1\text{COS}:\text{Ca}^{2+}$ ҳосил бўлишини тасдиқлайди. Изотерманинг $\ln(P/P_s)$ даги графиги (10а-расм) ҳам Na^+ ва Ca^{2+} нинг миқдорига мос равишда тример ва мономер ион-молекуляр комплекслар ҳосил бўлишини кўрсатади.

12а,б-расмларда СаА (М-22) цеолитида COS адсорбциясининг дифференциаль энтальпия (а) ва энтропия ўзгариши (б) келтирилган. Бошланғич соҳадаги дифференциал энтальпия ~ 94 кЖ/моль га тенг. Сорбцион ҳажмнинг ортиши билан $0,91$ ммоль/г адсорбцияда энтальпия 58 кЖ/моль қиймат билан поғона ҳосил қилади. Бу қиймат цеолит таркибидаги Na^+ катионлари ($0,91$ ммоль/г)нинг миқдорига тенг. Бу ҳар бир COS молекуласининг 1 тадан Na^+ катионлари билан ўзаро адсорбат/адсорбат мономер $1\text{COS}:\text{Na}^+$ ион-молекуляр комплекс ҳосил қилишини ифодалайди. Демак, COS молекулалари дастлаб цеолит таркибидаги Na^+ катионларида адсорбцияланади. Шунинг учун энтальпиянинг $0,96$ ммоль/г адсорбцияда поғона ҳосил қилади. Цеолитнинг тўйиниб бориши билан энтальпия $1,92$ ммоль/г адсорбцияда 50 кЖ/моль гача камаяди, яъни COS молекулалари Na^+ катионлари билан димер $2\text{COS}:\text{Na}^+$ ион-молекуляр комплекс ҳосил қилади. $3\text{COS}:\text{Na}^+$ ҳосил бўлишида энтальпия 50 кЖ/моль дан 40 кЖ/моль гача камаяди. COS молекулаларининг Na^+ катионлари билан моно-, ди- ва тример $3\text{COS}:\text{Na}^+$ комплексларини ҳосил қилишида энтальпиянинг қисман (2 кЖ/моль га) ортиши COS молекулаларининг ўзаро кучсиз Ван-дер-Ваальс таъсири натижасида кўшимча энергиянинг ажралиб чиқиши натижасидир. Кейинги COS молекулалари Ca^{2+} катионларида адсорбцияланади.

СаА (М-34) цеолитида COS молекулалари адсорбциясининг молли дифференциал энтропия (ΔS_a) ўзгаришининг адсорбцион тўйинишга

боғлиқлиги 12б-расмда келтирилган. Энтропия Na^+ катионлари билан $1\text{COS}:\text{Ca}^{2+}$ комплекс ҳосил бўлишида $-56 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ гача ортади ва $2,13 \text{ ммоль/г}$ адсорбциягача ўзгармайди. Энтропия Na^+ катионлари билан тример $3\text{COS}:\text{Ca}^{2+}$ ион-молекуляр комплексгача ҳосил бўлишида дастлаб $-63 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ гача камаяди. Бу COS молекулаларининг цеолит матрицасида локализацияси қийинлашганлиги билан боғлиқ. Тўла тример $3\text{COS}:\text{Ca}^{2+}$ ион-молекуляр комплекси ҳосил бўлишида $-46 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ гача ортади.




12-расм. СаА (М-34)да COS адсорбциясининг дифференциал энтальпияси (а) ва энтропия ўзгариши (б)

$3,62 \text{ ммоль/г}$ адсорбцияда энтропия $54 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ гача ортиб сорбцион жараён тугайди. Бу қиймат COS молекулаларининг ҳаракатчанлиги чекланмаган қисмда сорбцияланиши билан боғлиқдир. Ўртача энтропия ўзгариши $-45 \text{ Ж/моль}\cdot\text{К}$ га тенг бўлиб, COS молекулалари ҳаракатчанлиги етарли даражада чекланган бўлади.

Диссертациянинг «ЛТА русумидаги цеолитларда этан молекулаларининг адсорбцияси» деб номланган 5-бобида СаА (М-22) ва СаА (М-34) цеолитларида этан адсорбциясининг изотермаси, дифференциал иссиқлиги (Q_d), энтропия ўзгариши (S_d), иссиқлик мувозанат вақти (τ) ва улар асосидаги, ҳамда МХТНда қайта тавсифланган изотерманинг математик аппарати тенгламаси асосидаги адсорбция механизми батафсил ёритилган.

СаА (М-22) цеолитида этан адсорбцияси. 13а,б-расмда СаА (М-22) цеолитида этан адсорбциясининг изотермалари келтирилган. Кичик тўйинишларда $P/P_s=6,95\cdot 10^{-5}$ ($P=2,4 \text{ мм.см.уст.}$)да адсорбция $0,047 \text{ ммоль/г}$ га тенг бўлиб этаннинг мустақкам бўлмаган ион-молекуляр комплекс боғланишда эканлигини кўрсатади. Адсорбция изотермаси $P/P_s=0,0198$ ($P=607 \text{ мм.см.уст.}$)да $1,49 \text{ ммоль/г}$ гача етказилган. Тўла адсорбциянинг 3 % қисми $2,4 \text{ мм.см.уст.}$, 18 % қисми 19 мм.см.уст. , 65 % қисми 128 мм.см.уст. , 86 % қисми 320 мм.см.уст. , 93 % қисми 498 мм.см.уст. босимигача адсорбцияланади. 13а,б-расмлардан сорбцион ҳажмнинг тўйиниши билан мувозанат нисбий босимнинг кескин ортиши этан/цеолит комплексларнинг ҳосил бўлиши энергетикаси ниҳоятда суст эканлигини кўрсатади. 13б-расмдан $0,76 \text{ ммоль/г}$ адсорбциядан бошлаб нисбий босим кескин ортишни бошлайди. Бу адсорбция миқдори цеолит таркибидаги $0,76 \text{ ммоль/г}$ (Na^+ миқдори)га тенг, яъни $1\text{C}_2\text{H}_6:\text{Na}^+$ ($k=50\%$) шаклланади, кейинги метан молекулалари $\sim 1,5 \text{ ммоль/г}$ адсорбцияда $2\text{C}_2\text{H}_6:\text{Na}^+$ ($k=100\%$)ни ҳосил қилиб СаА (М-22) цеолитида этан сорбцияси тугайди.




13-расм. СаА (М-22)да этан адсорбциясининг изотермаси (◇-тажриба, ◆, ◆, ◆, ◆, ◆-МХТН тенгламасида ҳисобланган қийматлари).

СаА (М-22) цеолитида C_2H_6 адсорбция изотермаси 3 ҳадли МХТН тенгламаси ёрдамида тавсифланади:

$$a = 0,235 \exp[-(A/23,25)^{13}] + 1,056 \exp[-(A/15,94)^8] + 1,2 \exp[-(A/8,34)^3] \quad (3)$$

МХТН қийматлари тажриба қийматларига мос келади. Тенгламанинг 3 та ҳадлари фақат Na^+ да $2C_2H_6:Na^+$ ҳосил бўлишини ифодалайди.

14а,б-расмларда СаА (М-22) цеолитида C_2H_6 адсорбциясининг энтальпия (а) ва энтропия ўзгариши (б) келтирилган. Бошланғич соҳада дифференциал энтальпия ~ 67 кЖ/моль дан 41 кЖ/моль гача камайиб 0,76 ммоль/г адсорбциядаги поғонада $1C_2H_6:Na^+$, 1,5 ммоль/г адсорбцияда 23 кЖ/моль гача камайиб димер $2C_2H_6:Na^+$ комплексларини ҳосил қилиш билан сорбцион жараён тугайди. Энтропия ўзгариши изотерма ва дифференциал энтальпияда ҳосил бўлган ион-молекуляр механизмларга тасдиқлайди ва цеолит таркибидаги Na^+ миқдорига қаррали равишда ўзгаради (14б-расм), жумладан энтропиянинг 0,76 ммоль/г адсорбциягача деярли ўзгармас қийматда моно- ва 1,5 ммоль да димер комплекс ҳосил бўлишига мос келади.




14-расм. СаА (М-22)да этан адсорбциясининг дифференциал энтальпийаси (а) ва энтропия ўзгариши (б)

Ўртача энтропия ўзгариши -12 Ж/моль·К га тенг бўлиб, этан молекулаларининг ҳаракатчанлиги чекланмаганлигини ифодалайди.

СаА (М-34) цеолитида этан адсорбцияси. 15а,б-расмда СаА (М-34) цеолитида этан адсорбциясининг изотермалари келтирилган. Кичик тўйинишларда $P/P_s = 7,85 \cdot 10^{-5}$ да адсорбция миқдори 0,024 ммоль/г ($P = 2,6$ мм.см.уст.) га тенг бўлиб, этан молекулаларининг цеолит матричасида заиф боғланишда эканлигини ифодалайди. Изотерма $P/P_s = 0,018$ ($P = 526$

